## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ КАРОРИ

546 <sup>ўзбекистон Республикасининг давлат кимматли когозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўгрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хакида</sup>

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1829-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўгрисида» ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўгрисида» ги қонунларига мувофик Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:** 

- 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 15 мартдаги 8/8-сон қарори (рўйхат рақами 1829, 2008 йил 18 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 24-25-сон, 247-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўгрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
- 2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш., 2015 йил 8 октябрь, 27/4-сон

. Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й.



546-модда — 74 — 42 (698)-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 8 октябрдаги 27 / 4-сон қарорига ИЛОВА

## Узбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби турисидаги низомга киритилаётган узгартиришлар

- 1. Муқаддимадаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва буш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари туррисида» ПҚ-726-сон қарорига (Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2007 й., 45-сон, 454-модда)» деган сузлар «ПҚ-726-сон «Банк тизимини янада ривожлантириш ва буш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари туррисида» ги қарорига» деган сузлар билан алмаштирилсин.
- 2. 1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси валюта биржасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон республика валюта биржасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 3. 7-банднинг биринчи хатбошисидаги «Савдо тизимининг депозитарийси» деган сўзлар «Савдо тизими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2015 йил 8 октябрь

